



MILLIY TIKLANISH

4 (376) ● 2016 йил 27 январь, чоршанба ● Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси

ЎЗМТДП — www.mt.uz Тахририят — www.milliytiklanish.uz

2008 йил 30 октябрдан чиқа бошлаган

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси веб-сайтига ҳар куни мингдан ортиқ партия хайрихоҳлари ташриф буюради

Фарғона вилоятида 11 мингдан зиёд Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси аъзоси бор

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашидаги партия гуруҳи фуқаролар мурожаатлари асосида 62 масалани ижобий ҳал этди

Сарҳисоб

Миллий ахборот маконида миллий тикланиш ғояси тарғиботида партиянинг жамоатчилиги билан алоқалари муҳим аҳамият касб этади

Фуқароларнинг ахборот соҳасидаги ҳуқуқ ва эркинликларини рўйбга чиқариш юртимизда демократик жамият барпо этишининг муҳим шартидир. Президентимиз тақдим этган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида бу борада устувор вазифалар белгиланган. Уларнинг изчил амалга оширилиши эса ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини, давлат ҳокимиятини ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш борасида амалга оширилган кенг қўламли ислохотлар натижасида аҳолининг ҳуқуқий ва сиёсий билими ошди, дунёқараши кенгайди, ён-атрофда рўй бераётган воқеа-ҳодисаларга муносабати ўзгарди, мустақил фуқаролик позицияси шаклланди. Бугун чорак аср аввалги фуқаролар билан ҳозирги замон одамларининг ҳаёти ва дунёқараши ўртасида ер билан осмонча фарқ бор. Бу, ўз-ўзидан, оммавий ахборот воситаларининг олдида жамоатчилик фикрини шакллантириш бўйича ўта муҳим ва долзарб вазифаларни қўймоқда.

Кейинги йилларда мамлакатимизда оммавий ахборот воситаларининг демократик ислохотлар жараёнидаги ўрни ва таъсирини янада ошириш, уларнинг ҳуқуқий, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, эркин ва мустақил оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш борасида кенг қўламли ислохотлар амалга оширилди. Бунинг натижасида оммавий ахборот воситаларининг сони 3,6 карра кўпайиб, ҳозирги вақтда 1 минг 400 дан ортиқни ташкил этмоқда.

> 2-бет.

ЎЗМТДП дастури — амалда



Самарадорлик — бош мезон

электорат ишончини қозониш аввало, дастурий вазифалар ижроси билан белгиланади

Бугун мамлакатимизда демократик ислохотлар чуқурлашиб, партияларро рақобат кучайиб бормоқда. Бу жараёнда ҳар бир партия ўз мафқураси ва юрасини янгича қарашлар билан бойитиши, уни кенг жамоатчилик орасида тарғиб қилиш, сиёсий куч сифатида жамият ҳаётидан мустаҳкам ўрин эгаллашга интилиши табиий. Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ҳам ўз фаолиятини янада такомиллаштириш, электорат манфаатларини ҳимоя қилиш, дастурий мақсад ва вазифалари, сайловолди Платформасида илгари сурилган ғояларни амалга оширишга бор куч ва имкониятини сафарбар этмоқда.

Партия амалга ошираётган саяё-ҳаракатлар кенг жамоатчиликка етиб борсагина, унинг хайрихоҳлари кўпаяди, сафи кенгайди. Бу борада, айниқса, "Юксак маънавият — енгилмас куч" ғоясини амалга ошириш, миллий тикланиш мафқурасини кенг тарғиб қилиш, мамлакатимиз миллий манфаатлари, бой тарихимиз, тенгсиз қадриятларимизни асраб-авайлашни қалб амри деб билган партия электорати интилишлари ва ташаббусларини қўллаб-қувватлаш муҳим омили бўлиб хизмат қилади. Партия миллий қадриятларни тиклаш, ўзликини англаш, миллий ғояни шакллантириш ва миллий мустақиллик мафқурасини мустаҳкамлаш, халқнинг маънавий ҳаётида ўзбекона анъаналарни тиклаш каби эзгу ишларни изчил, босқичма-босқич ва тизимли равишда давом эттириш тарафдоридир.

> 2-бет.

Ушбу сонда:

Оммавий ахборот воситалари — жамият кўзгуси



> 6-бет.

Табиатнинг кутилмаган синови

ёхуд зилзила ортидаги хавф



> 7-бет.

Миллий гуруҳ

Юксак салоҳиятли ва зукко ёшлар — юрт таянчи



Таълим тизимини изчил ривожлантириш, ёшларга жаҳон андозлари даражасида билим бериш, юксак интеллектуал салоҳият, бой дунёқарашига эга баркамол авлодни тарбиялаш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан.

Зеро, ёшлар бугунги ва эртанги кунимизнинг ишончи ва таянчи. Навқирон авлодга ғамхўрлик кўрсатиш, уларни рағбатлантириш, қўллаб-қувватлаш доимий эътиборда. Эртанги эгаларининг ният ва истаклари, интилиш ҳамда шижоати тобора юксалиб бормоқда. Уларнинг кўплаб халқаро фан олимпиадаларида фахрли ўринларни эгаллаб, юртимиз куч-қудратини, интеллектуал салоҳиятини бутун дунёга намойиш этаётгани замирида таълимнинг "Ўзбек модели" бераётган ҳаётий самаралар мужассамдир.

> 6-бет.

Фаолият

Мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат, кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёни изчил давом этмоқда. Бунда фуқаролик жамияти институтлари, нодавлат ношароат ташкилотлар, жумладан, сиёсий партиялар фаол иштирок этаётир. Партиянинг жамиятдаги ўрни ва нуфузини янада ошириш, шубҳасиз, уларнинг ҳудудлардаги кенгайишлари фаолиятини такомиллаштириш билан чамбарчас боғлиқ.

Фарғона вилояти: Электорат манфаатларига қаратилган амалий ишлар ЎЗМТДП мақсад-вазифалари рўёбининг муҳим омили

Буни ЎЗМТДП Фарғона вилоят кенгаши фаолияти мисолида ҳам кўриш мумкин. Партия сафи йилдан-йилга юксак билим-малакага эга ёшлар ҳисобига кенгайиб бормоқда. Бугун Фарғонада 11 мингдан зиёд ЎЗМТДП аъзоси бор. Уларнинг 5 мингдан ортигини нақирон авлод вакиллари ташкил этади. Вилоятда хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишга ҳам алоҳида эътибор қаратилаётгани боис партияга аъзо хотин-қизлар сони 5 минг нафардан ошди. Улар партия ғоя-мақсадларини аҳолининг кенг қатламига тарғиб-ташвиқ қилишда фаол иштирок этаётир. Ташкил этилаётган ҳар бир тадбир, лойиҳа ва фестивалларда партия сайловолди Платформасида белгиланган мақсад-вазифалар мазмун-моҳияти кенг тушунтирилиб, тарғиб қилинмоқда.

> 3-бет.

Депутат сўров киритди

Худудлар ободлиги ва ривож

маҳаллий Кенгаш депутатлари эътиборида

Мамлакатимиз парламенти ва маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари фаолиятини такомиллаштириш, уларнинг қонунийлик ва назорат-таҳсил ишини янада кучайтириш борасида изчил ислохотлар амалга оширилаётир. Бу борада қонунийликда белгиланган ҳуқуқ ҳамда ваколатлардан халқ вакилларининг самарали фойдаланишига интилаётгани, албатта, эътиборга молик.

Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида белгилаб берилган устувор вазифаларнинг бажарилиши натижасида сўнгги йилларда жойларда депутатлик корпусининг фаоллиги ва ролини оширишда ижобий натижаларга эришилмоқда. Улар ишида сезиларли сифат ўзгаришлари юз бераётир. Айниқса, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳлари аъзолари худудларда олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотларни амалга оширишдаги иштирокини кенгайтириш, аҳоли бандлигини таъминлаш, янги иш ўринлари ташкил этиш, оилавий тадбиркорлик ва иқтисодиётда хусусий секторнинг улушини янада кўпайтириш, ёшларни баркамол инсонлар этиб тарбиялаш борасидаги ишлар шулар жумласидандир.

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига ЎЗМТДПдан сайланган вакиллар ҳам ўтган бир йиллик фаолияти давомида шаҳар ҳаёти, унинг ободлиги, фуқароларни ўйлантираётган масалалар юзасидан қатор саяё-ҳаракатларни амалга оширди. 15 депутатдан иборат партия гуруҳининг ўтган йилги фаолияти сарҳисоб қилинганда, улар турли ташкилот ва корхоналарга, мансабдорларга 80 га яқин депутатлик сўрови юборгани, доимий комиссиялар йиғилишларига 6 тақлиф, сессияларга 4 ташаббус-масала олиб чиққанига гувоҳ бўлиш мумкин. 2014 йилда эса 63 депутатлик сўрови амалга оширилган, сессияларга атиги иккита ташаббус-масала олиб чиқилганди. Демак, бу йўналишда шаҳар Кенгаши депутатлари фаолиятида сезиларли ўзгаришлар юз бераётир.

> 4-бет.

Аждодлар анъанаси — бардавом

Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси минтақавий бўлими ҳисобланган Хоразм Маъмун академиясида диққатга сазовор ишлар амалга оширилмоқда



> 8-бет.



"Milliy tiklanish" газетасига обуна бўлинг!

Нашр кўрсаткичи — 158



«Milliy tiklanish» газетасини
www.milliytiklanish.uz
сайтида ҳам ўқинг!

Фарғона вилояти:

Электорат манфаатларига қаратилган амалий ишлар

«Давоми.
Бошланиши 1-бетда.

ЎзМТДПнинг ижтимоий-иқтисодий ва ахборот соҳасида ўз олдига қўйган устувор вазифалари, айниқса, юксак маънавиятга эришиш тарбиялашга миллий тараққиётнинг муҳим бўлиши сифатида қаралаётгани ёшлар эътиборини қозонмоқда.

— Моддий ва номоддий меросимизни кўз қорачигидек асраб-авайлаш, ота-боболаримизнинг илмий меросини чуқур ўрганиш ва уларга муносиб авлод бўлиб етишиш барча даражадаги партия ташкилотлари тadbирларининг бош мавзусига айланган, — дейди ЎзМТДП Фарғона вилоят кенгаши раиси Умид Жабборов. — Жумладан, яқинда Фарғона политехника институтини бўлиб ўтган «Биз темирлик маликалар авлодиданмиз» мавзусидаги кўрик-танловда бу жиҳатга алоҳида эътибор қаратилди. Тадбирда иштирокчиларнинг темирликлар даврида маданий ҳаётимизда рўй берган ўзгаришлар ва унинг миллий маънавиятимизни ривожлантиришдаги аҳамияти борасидаги билимлари синовдан ўтказилди.

Кўрик-танлов ЎзМТДПнинг миллий ўзлигини англаш ва маънавиятни юксалтириш борасидаги мақсад-вазифалари рўйбеда муҳим аҳамият касб этади. Зотан, партия тарихий, маданий ва илмий-интеллектуал меросини кўз қорачигидек асраб-авайлаш, бойитиш ва уларни янада кўпайтиришга қўмаклашиш, ўзбек халқининг бой тарихи ва маданиятини ўрганиш, ушбу бойликларни камол топиб келаётган ёш авлод ўртасида кенг тарғиб этиш, ёшларда тарихий мерос ва халқ аъёнларига чуқур ҳурмат-эҳтиром уйғотиш каби устувор вазифаларни рўйбеда қўйишга қўмаклашиш мақсад-вазифалари рўйбеда муҳим аҳамият касб этади.

«Юрт тинчлиги, Ватан тараққиёти, халқ фаровонлиги йўлида бирлашайлик» шiori остидаги ёшлар форуми ҳам навқирон авлод вакиллари дунёқарабини кенгайтириш,

билим-кўникмасини оширишга қаратилган. Мазкур тадбир фарғоналик ёшлар учун ҳақиқий байрамга айланди. Форумда тарихимизни кенг миқёсда изчил ўрганишни таъминлаш, уни бузиб, сохташга қаралаётгани ёшлар эътиборини қозонмоқда.

— Моддий ва номоддий меросимизни кўз қорачигидек асраб-авайлаш, ота-боболаримизнинг илмий меросини чуқур ўрганиш ва уларга муносиб авлод бўлиб етишиш барча даражадаги партия ташкилотлари тadbирларининг бош мавзусига айланган, — дейди ЎзМТДП Фарғона вилоят кенгаши раиси Умид Жабборов. — Жумладан, яқинда Фарғона политехника институтини бўлиб ўтган «Биз темирлик маликалар авлодиданмиз» мавзусидаги кўрик-танловда бу жиҳатга алоҳида эътибор қаратилди. Тадбирда иштирокчиларнинг темирликлар даврида маданий ҳаётимизда рўй берган ўзгаришлар ва унинг миллий маънавиятимизни ривожлантиришдаги аҳамияти борасидаги билимлари синовдан ўтказилди.

Кўрик-танлов ЎзМТДПнинг миллий ўзлигини англаш ва маънавиятни юксалтириш борасидаги мақсад-вазифалари рўйбеда муҳим аҳамият касб этади. Зотан, партия тарихий, маданий ва илмий-интеллектуал меросини кўз қорачигидек асраб-авайлаш, бойитиш ва уларни янада кўпайтиришга қўмаклашиш, ўзбек халқининг бой тарихи ва маданиятини ўрганиш, ушбу бойликларни камол топиб келаётган ёш авлод ўртасида кенг тарғиб этиш, ёшларда тарихий мерос ва халқ аъёнларига чуқур ҳурмат-эҳтиром уйғотиш каби устувор вазифаларни рўйбеда қўйишга қўмаклашиш, ўзбек халқининг бой тарихи ва маданиятини ўрганиш, ушбу бойликларни камол топиб келаётган ёш авлод ўртасида кенг тарғиб этиш, ёшларда тарихий мерос ва халқ аъёнларига чуқур ҳурмат-эҳтиром уйғотиш каби устувор вазифаларни рўйбеда қўйишга қўмаклашиш мақсад-вазифалари рўйбеда муҳим аҳамият касб этади.

«Юрт тинчлиги, Ватан тараққиёти, халқ фаровонлиги йўлида бирлашайлик» шiori остидаги ёшлар форуми ҳам навқирон авлод вакиллари дунёқарабини кенгайтириш,



рўйбеда чиқариш кўп жиҳатдан жойлардаги партия гуруҳларининг сазойи ҳаракатига боғлиқ. ЎзМТДП Фарғона вилоят кенгаши бу жиҳатга ҳам алоҳида эътибор қаратиб келаётган. Жумладан, «Партия гуруҳлари фаолиятини самарали ташкил этишнинг долзарб масалалари» мавзусида бўлиб ўтган семинар-тренингда шу ҳақда сўз борди.

Таъкидлаш керак, мамлакатимизда кенгайтирилган демократик ислохотлар жараёнида халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳларининг амалдаги қонун, фармон, қарор ва Давлат дастурлари ижроси устидан депутатлик назоратини амалга ошираётгани муҳим аҳамият касб этаётган. Партия гуруҳлари мансабдор шахсларнинг ижтимоий-иқтисодий масалаларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида белгиланган устувор вазифаларни амалга оширишда фаол иштирок этишга интилоқда. Семинарда партия гуруҳлари фаолиятини янада ривожлантириш, янги босқичга кўтариш лозимлиги таъкидланди.

— Бугунги тезкор замонда ҳал этилиши зарур бўлган долзарб вазифалар борки, бу ҳар бир кишига, айниқса, депутатларга алоҳида масъулият юклайди, — дейди халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги партия гуруҳи раҳбари Анахон Сиддиқова. — Семинар-тренингларда партия гуруҳлари иш фаолиятини самарали ташкил этиш бўйича қатор услубий тавсияларни ишлаб чиқдик. Жумладан, партия гуруҳи аъзоларининг депутат сўрови, қонун ва ҳукумат қарорлари тарғиботини ташкил этиш ҳамда ижроси бўйи-

Фаолият факт ва рақамларда:

- ✓ Фарғона вилоятида 11 миңдан зиёд Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси аъзоси бор.
- ✓ Партия аъзоларининг 5 миңдан кўпроғини хотин-қизлар ташкил этади.
- ✓ Халқ депутатлари Фарғона вилоят, туман (шаҳар) Кенгашларига ЎзМТДПдан сайланган депутатлар 2015 йилда 250 дан ортиқ депутат сўровини амалга ошириди, фуқаролар мурожаати асосида 239 масала ижобий ҳал этилди.
- ✓ Вилоятдаги ЎзМТДП гуруҳлари ўтган йилда 8 мансабдор шахснинг ҳисоботини тинглади, доимий комиссияларга 17, маҳаллий Кенгаш сессияларига эса 5 ташаббус-масала олиб чиқиди.
- ✓ Фарғонада ЎзМТДПнинг 290 кўйи бўлини фаолият кўрсатмоқда.

Партия аралашгач...

Партия ва депутат ҳамкорлиги

воситасида мурожаатларга ижобий ечим топилаётган

Фарғона вилояти Бугайда туманидаги 7-мактабгача таълим муассасасининг ҳолати билан боғлиқ масала юзасидан бир гуруҳ ота-оналар мутасадди ташкилотларга бир неча бор ёзма мурожаат қилди. Аммо бирор ташкилотдан жўяли жавоб олинмагач, улар ЎзМТДП туман кенгашига мурожаат қилди...

— Ота-она боласини тинч ва беҳавотир бўлиш учунгина эмас, ҳар томонлама яхши ривожланиши, кўпроқ нарса ўрганиши учун боғчагача беради, — дейди 7-мактабгача таълим муассасаси раҳбари Гўзал Ғозиева. — Мамлакатимизда ёш авлоднинг соғлом ва баркамол инсонлар этиб тарбиялашнинг изчил механизми яратилган, айниқса, мактабгача таълим тизимида, уларнинг фаолиятини яхшилаш, моддий-техник базасини янада мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилаётган бир пайтда бизнинг боғчамиз анча таъмирталаб, замонавий шароитлардан орқада қолгандай эди. ЎзМТДП туман кенгаши ва депутатлари аралашуви билан айрим масалалар ҳал этилганидан хабардор эдим. Шу боис ота-оналарнинг ёзма мурожаатини олиб, ЎзМТДП туман кенгаши раиси Рустам Эргашевнинг олдида бордим. Партия раиси ҳужжатлар билан танишиб чиққач, мурожаатимизни халқ депутатлари вилоят Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутат Иzzатулла Эрнзаровга йўналтирди. Депутат мазкур масалани бартараф этиш мақсадида туман ҳокимлиги молия бўлими ва туман халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлимига депутатлик сўровини юборди. Орадан кўп ўтмай, мутасадди ташкилотлардан жавоб хати келди. Хатда 7-мактабгача таълим муассасаси жорий таъмирланиши, бунинг учун маҳаллий бюджетдан 60 миллион сўм ажратилгани кўрсатилган эди. Бугун мазкур бионинг кўриниши буткул ўзгарган. Бундан, биринчи навбатда, фарзандлари шу муассасада таълим-тарбия олаётган ота-оналар бениҳоя хурсанд.

Дарҳақиқат, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларга ЎзМТДПдан сайланган депутатлар партия сайловолди Платформасида белгиланган мақсад-вазифаларни амалга ошириш, аҳоли ишончини қозониш, электорат манфаатларини ҳимоя қилиш масалаларига алоҳида эътибор қаратмоқда. Айниқса, депутат сўрови юбориш ва маҳаллий Кенгаш сессияларига ташаббус-масала олиб чиқиш ваколатларидан унумли фойдаланишга ҳаракат қилинаётган. Ўтган йилда вилоятдаги маҳаллий вакиллик органларига ЎзМТДПдан сайланган депутатлар 250 дан ортиқ депутатлик сўровини амалга оширди, фуқаролар мурожаати асосида 239 масала ижобий ҳал этилди. Шунингдек, 2015 йилда вилоятдаги ЎзМТДП гуруҳлари 8 мансабдор шахснинг ҳисоботини тинглади. Доимий комиссияларга 17, маҳаллий Кенгаш сессияларига эса 5 ташаббус-масала олиб чиқилди. Булар бевосита ҳудудларда ижтимоий-иқтисодий ислохотларни амалга оширишга қўмаклашиш, қўшимча иш ўринларини ташкил этиш, хунармандликни ривожлантириш, аҳолининг турмуш фаровонлигини

Ҳасан САЛОМОВ, «Milliy tiklanish» мухбири



Бошланғич партия ташкилотлари — бош таянчимиз

Инсон манфаатларини таъминлаш, аҳоли турмуш сифати ва даражасини оширишга қўмаклашиш Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясининг устувор вазифалари сирасига кирилади. Бу борада партиянинг барча даражадаги ташкилотлари, хусусан, кўйи бўғинлари давлат ва жамоат ташкилотлари, ўзини ўзи бошқариш органлари ва маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳлари билан мустаҳкам ҳамкорликни йўлга қўйишга интилоқда.

Бугун кўйи бўғинлар, айниқса, ҳудудий масалаларга ечим топишда электоратнинг энг яқин суянчига айланган. Партияимизда бундай кўйи бўғинлар сафи кенгайиб бораётгани қувонарли ҳол, албатта. Фарғона вилоятида 290 бошланғич партия ташкилоти мавжуд. Улар аҳоли билан ёнма-ён туриб, ўзлари яшаётган ҳудуд билан бевосита боғлиқ масалаларни ўрганиш, тақлиф мулоҳазаларини ҳудудий партия ташкилотлари ёхуд партиядан сайланган депутатларга етказишда бош-қош бўлаётган.

Қува тумани тиббиёт бирлашмаси қошида ташкил этилган бошланғич партия ташкилоти фаолиятини бунга мисол сифатида келтириш мумкин.

Фаолиятимизда аҳоли турмуш сифати ва қўлайликларини ошириш,

Кўйи бўғин ва партия гуруҳи

ўртасида яқин ҳамкорлик — самарали фаолият мезони

коллектив битирувчиларини иш билан таъминлаш, хотин-қизларни хунармандликка кенг жалб этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада фуқаролар мурожаати асосида мутасадди идоралар билан ҳамкорликда тақлиф-тавсиялар ишлаб чиқилаётган. Яқинда яна бир масала ижобий ечим топди. Бир гуруҳ фуқаролар бошланғич партия ташкилоти ҳудудда жойлашган кўп қаватли уйларнинг томини таъмирлаш бўйича мурожаат этди. Уларнинг мурожаати аввал ўша жойнинг ўзида ўрганилиб, кўйи бўғиннинг умумий йиғилишида муҳокама этилганидан сўнг туман ҳокимида депутатлик сўрови киритилди. Сўровга тез орада ижобий жавоб берилди ва кўп қаватли 8 уйнинг томи таъмирдан чиқарилди. Шу тариха кўйи бўғинимиз аралашуви билан 92 хонадон билан боғлиқ масала бартараф этилди.

Маҳаллаларда тинчлик-тотувлик, меҳр-оқибат муҳитини мустаҳкамлаш, аҳолининг аҳил ва иноқлигини таъминлаш, мустаҳкам оилалар сафини янада кенгайтиришга бағишланган қатор тадбир, учрашув ва давра суҳбати ҳам ўтказиб келмоқдамиз. Жумладан, «Соғлом фарзанд — юрт кела-

жаги», «Баркамол авлод тарбияси — миллий тараққиётимиз гарови», «Буюк аجدларимизнинг илмий-адабий мероси юксак маънавиятга эришиш тарбияси қароғайим» мавзусидаги тадбирларда соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, оилада ўзаро ҳурмат ва меҳр-муҳаббат муҳитини, юксак маънавий-ахлоқий қадриятларни шакллантиришнинг мазмун-моҳияти кенг тарғиб қилинмоқда.

— Болалар билимини мустаҳкамлаш, дунёқарабини кенгайтириш, нутқини ўстиришда бадиий адабиётнинг ўрни беҳисоб, — дейди кўйи бўғин фаоли Нигора Каримова. — Шу боис халқ депутатлари Кува туман Кенгашидаги партия гуруҳида мактабларда кўшимча бадиий китоб ўқиш соатларини ташкил этиш борасидаги ташаббус-масалани халқ депутатлари туман Кенгаши сессиясига олиб чиқишни тақлиф қилдик. Бу тақлиф партия туман ташкилоти, партия гуруҳи ва мутахассислар иштирокида ўрганиб чиқилганидан сўнг халқ депутатлари туман Кенгаши сессиясига олиб чиқилиб, қарор қабул қилинишига эришилди. Айни кунда Кува туманидаги барча мактабда бадиий китоб ўқиш соатлари ташкил этил-

Миродил АРСЛОНОВ, бошланғич партия ташкилоти етакчиси

Сухбат

Аждодлар анъанаси — бардавом

Шарқу Фарби ўзаро боғланган, буюк цивилизациялар туташган юртимиз ҳудудида илм-фан, маданият азалидан ривожланган.



лишлар ҳам фаолиятимизда устуворлик касб этади. Академиянинг самарали ишлаши учун унинг таркибиде 10 гектар тажриба-синов базаси, физик-кимё, генетик таҳлил, дон ва дон маҳсулотлари таҳлили, тупроқ ва термитлар ҳамда микробиология лабораториялари, академия тарихи музейи, ахборот-ресурс маркази, ношёрлик бўлими ва кичик босмахона фаолият кўрсатмоқда.

ва мудофаа тузилишига оид топилган ашёлар Хоразм воҳасида шаҳарларнинг вужудга келиши ва ривожланиши тарихини ўрганишда муҳим ўрин тутди.

Мезморий ёдгорликларга салбий таъсир қилувчи жуда кўплаб омиллар мавжуд. Муаммолар илмий изланишни талаб этиши табиий.

Бугун Хоразм воҳасидаги мезморий ёдгорликларга термитлар жуда катта хавф солмоқда. Бу зараркунданлар хашаротлар нафақат қадимий бинолар, балки аҳоли турар жойларининг техник ҳолатига ҳам салбий таъсир кўрсатмоқда.

Катқалъа ва Зорлик Эшон бобо тарихий-мезморий ёдгорликлари тўғрисида маълумотлар тўпланди. Катқалъа ёдгорлигининг топографик лабораториядан шу замбуруғнинг мицеллийлари ажратиб олинди ва мазкур мицеллийлар асосида инфекция юқори ем-хўрак тайёрланди, тарихий обидалар ва аҳоли яшайдиган уйлارга жойлаштирилди. Қўлга

кирилган натижалар ушбу ем-хўрақнинг шу пайтгача қўлланиб келинганларига нисбатан термитларни жалб қилиш қобилияти анча юқори эканини кўрсатди...

Академияда кашфиётлар ва лойиҳаларнинг саноатга татбиқ қилиниши борасида қандай ишлар амалга оширилди?

Албатта, бу борада муайян ишлар қилинмоқда. Чунончи, "Янгиарик туманидаги кум захираларидан рангли шиша ишлаб чиқариш технологиясини яратиш" мавзусидаги илмий лойиҳа бўйича маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш мақсадида инновацион тақлиф ишлаб чиқилди.

Хоразм Маъмур академиясининг илмий кадрлар салоҳияти хусусида ҳам тўхталсангиз...

Академиямизда бугун 44 илмий ходим фаолият кўрсатади. Шулардан 2 академик, 4 фан доктори, 24 нафар фан номзодидир. Биз илм-фан соҳасидаги қадимги улғу миллий мерос асосида юқори интеллектуал мухитни яратишдаги бой анъаналарни тиклаш ва ривожлантириш, ёш истеъодли олимларни излаб топиш, уларни академия фаолиятига жалб этиш бўйича мунтазам иш олиб бораёмиз.

Бир сўз билан айтганда, давлатимизнинг юксак эътибори самараси ўлароқ илм даргоҳимизда фан чўққилари эгалланиши, оламшумул кашфиётлар қилиниши учун барча шароит муҳайё.

"Milliy tiklanish" мухбири Алишер РАҲМОН суҳбатлашди

Мириқиб ухлай десангиз...

Қиш ҳавоси одамни уйкуга мойил қилиб қўяди. Айтилиши, баъзида куни билан маза қилиб ухлаш ҳақида ўйлайсиз, лекин жойингизга ётишингиз билан уйку қочадисиз... Куйидаги тавсиялар эса тез ва мириқиб ухлашда ёрдам беради.



Таркибида магний моддаси бўлган маҳсулотларни истеъмол қилинг. Илмий тадқиқотлардан маълум бўлишича, магний моддаси туни билан тиниқлиқ ухлашга ёрдам беради.

Ҳар қилганда, дам олиш кунлари ҳам бир хил вақтда уйғонишга одатланг. Қўнчилигимиз дам олиш кунлари узок ухлагимиз келади, лекин бу уйку ритмининг бузилишига олиб келиши мумкин.

Биз куни билан қабул қиладиган қуёш нури ҳам уйку жараёнига таъсир кўрсатади. Агар кечаси яхши ухлай олмаётган бўлсангиз, демак, кундузи етарли даражада қуёш нури қабул қилмагансиз.

Илиқ сут ичиши ҳам уйкуни яхшилаيدди. Гап шундаки, сут таркибиде одамни тинчлатириданг триптофан моддаси мавжуд.

БИЛАСИЗМИ?

"Футбол кироли" Эдсон Арантис ду Насименту (Пеле) профессионал фаолияти давомида 1,2 мингдан ортқ гол урган бўлса-да, уларнинг 757 тасини расмий ўйинларда нишонга олишга муваффақ бўлган.

ТУРФА ОЛАМ

Уч гилдиракли автомобил

АҚШнинг "Vanderhall" компанияси "Morgan 3-Wheeler" британ модели билан рақобатлаша оладиган уч гилдиракли "Laguna" автомобилни ишлаб чиқарди.



Британ моделидан фарқи равишда янги автомобиль мотоцикл двигатели билан эмас, балки автомобиль мотори билан жиҳозланган.

Машинанинг олдида 19, орқасида эса 20 дюмли гилдирак бор. Уларга "Toyo" фирмаси покришалари ўрнатилган. Колавера, автомобиль "Brembo" тормоз механизми билан ҳам таъминланди.

Ўзи митти, ёши катта

Австралия жанубида жойлашган Эри кўлидан 4,5 миллиард ёшли, 1,7 килограмм оғирликдаги метеорит топилди.

Кертин университети олимлари масофадан туриб бошқариладиган камера ёрдамида метеорит тушган жойни аниқлашга муваффақ бўлди.

Ш.ГАФФОРОВ тайёрлади.

Эълон! Яққасарой тумани ҳокимлиги 2011 йил 28 февралда 005845-11-сонли реестр рақами билан рўйхатга олган "Abror telekom" МЧЖ тугатилди.

Газета ҳафтаинг чоршанба куни чиқади. 2008 йил 29 октябрда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан № 0223 рақами билан рўйхатдан ўтган.


Кўрғазма

Ксилография санъатида ёгочнинг текис юзасига ўйнамақши ва суратлар сохилани.

Фан-техника ривож бўлиб санъат турини илмий ҳаётдан йироқлаштирган бўлса-да, бугун яна асл санъат тури сифатида жамиятга қайтаётир.

Нодир санъат усталари кўрғазмаси

мяси Икуо Хираяма халқаро маданият карвонсаройида ўтказилаётган "Усталар дурдонаси" деб номланган ксилография санъати кўрғазмасида унинг ана шундай ноёб жиҳатлари яққол намоён этилди.



ат арбоби Ортикали Қозоқов. — Ўзбекистон халқ рассоми Медат Кагаров бу йўналишда самарали иҳод қилган усталардан. Унинг шарқ мумтоз адабиёти намояндалари шеърини тўпламларига ишлаган бе-заклари ўзига хос фалсафа ва мазмун-моҳиятга эга.

Дамир Ҳузайев ҳам ўйнамақши санъати соҳасида самарали меҳнат қилиб келмоқда. Шойра Зулфиянинг "Томчи" шеърини тўпламига ишлаган миниатюралари, пойтахтимизнинг 2200 йиллигига бағишлаб чоп этилган "Тошкент ҳақидаги қўшиқ" расмлар китоби муаллифидир.